

Америка - аёллар учун улкан имкониятлар мамлакати. Хозирда улар бутун миллат бойлигининг тахминан саксон беш фоизига эгадирлар. Тез орада эса улар бутун бойликни ўз кўлларига олишади. Ажрашиш жараёнлари уларга катта микдорда даромад топишнинг осон йўлига айланиб қолган. Эрнинг ўлими ҳам яхшигина даромад келтиради ва айрим хонимлар шу йўлдан фойдаланишни маъқул кўришади. Улар бир кун келиб, сабрлари мукофот билан тақдирланишига ишонишади; ортикча зўриқиш ва қон босими ўз ишини қилади ва бечора эр кўлида дори солинган шишани ушлаганича жон беради. Ёш америкаликлар ажрашиш ва ўлим тахдидидан унчалик ҳам ташвиш чекишмайди. Ёшлар, ҳаттоки вояга етгунча ҳам сабрлари чидамай уйланиб олишади ва ўттиздан ошган пайтларида камида иккита собик хотинларига пулларини совуришга улгуришади. Сохибжамолларининг фаровон ҳаёт кечиришлари учун эркаклар қулдек ишлашади. Нихоят, қамолга етгач, уларнинг қалбини зериктириш ва кўрқув эгаллаш бошлайди. Улар кеч қириши билан барларга боришади. Бу ерда виски ичиб, бир-бирларига «ҳаётий хикоялар»идан сўзлашади.

Бу хикояларнинг мазмуни бир хил. Уларда ўқитиш қаҳрамон бўлади: эр, хотин ва итвачча маъшук. Эр - содда ва буюқ меҳнатқаш. Хотин - айёр ва хиёнатқор мавжудот. У итвачча билан бирга турли найранглар ўйлаб топади. Эр эса ишонувчан бўлганлиги учун хотинидан шубҳаланмайди. Нахотки бечора умрининг охиригача шундай яшаб ўтса? Шунақа бўлса керак. Лекин бир дақиқа! Қутилмаганда, эр хотинига шундай зўр зарба берадики, хотин ўзининг мағлуб бўлганлигини ҳис этади.

Биз қуйида хикоя қилмоқчи бўлган воқеа ана шундай. У сизга ёкса керак. У тахминан мана бундай:

Мистер ва миссис Биксби Нью-Ёркдаги хонадонлардан бирида истикомат қилишарди. Мистер Биксби ўртача пул топадиган тиш шифокори эди. Миссис Биксби кўхлиққина аёл эди. Бир ойда бир марта ва фақат жума кунлари у Пенсилвания шохбекатидан қундузги поездга чипта сотиб олиб Балтиморда яшайдиган холасини кўргани борарди.

У холасиникида тунаб қолар, эртасига эса Нью-Ёркка қайтар ва эрига кечки овқатни тайёрлашга ҳам улгурарди. Мистер Биксби хотинининг бу одатига қаршилик қилмасди. У Мод холанинг Балтиморда яшашини ва хотинининг бу кампирга боғланиб қолганлигини биларди. Уларни ўқитишдан маҳрум қилиш адолатдан эмас, деб ҳисобларди.

- Сени қузатиб қўямми? - дерди мистер Биксби.

- Йўқ, азизим, - жавоб қайтарарди миссис Биксби.

Лекин аслида, холаси миссис Биксби учун зўр баҳона эди, холос. Полковник лақабли итвачча пистирмада қутиб турар ва хонимимиз Балтимордаги асосий вақтини унинг ҳузурида ўтказарди. Полковник ўта бой эди. У шаҳар четидеги хашаматли уйда яшарди. Оила қурмаган бу кишининг бир неча нафар содиқ хизматқорлари бўлиб, у миссис Биксби йўқ кунлари от миниш ва тулки овлаш билан вақтини ўтказарди.

Миссис Биксби ва Полковник ўртасидаги алоқа ўзвий давом этиб келарди. Улар кам кўришишгани учун (бир йилда ўн икки марта унчалик кўп эмас) бир-бирларидан зериктиришларига асос йўқ эди. Аксинча, ўқитишлар орасидаги узун танаффуслар уларнинг бир-бирига бўлган интилишларини қучайтирарди.

- Жонгинам! - қичқирарди Полковник ҳар сафар уни лимузин машинасида ўтирганича шохбекатда қутиб оларкан. - Севгилим, қанчалар гўзалсан! Қетдик, уйимизга...

Шу зайлда саккиз йил ўтди.

Рождество байрами якинлашаётганди. Миссис Биксби Балтимор шохбекатида Нью-Ёрка кайтадиган поездни кутиб турарди. Хозиргина тугаган висол онлари хар галгидан-да ёкимли бўлган ва шунинг учун унинг кайфияти аъло эди. Умун олганда, Полковник билан мулокотда бўлиш доимо унинг кайфиятини кўтарарди. Бу киши уни ўзини бутунлай бошқача, гўзал аёлдек хис килишига сабабчи бўлар, ана шундай пайтларда у шифокор эрининг канчалар нотавон эканлигини ўйларди.

- Полковник мана буни сизга бериб қўйишимни буюрди, - кимнингдир овози эшитилди. У ёнига ўгирилди ва Полковникнинг қари хизматкори Уилкинсни кўрди. Унинг қўлида катта картон кути бор эди.

- Ё Худойим! - хаяжон билан хитоб килди миссис Биксби. - Кандай катта кути! Бу нима, Уилкинс? Хат-пат ҳам бериб юбордимми?

- Йўк, бермади, - деди хизматкор ва кайтиб кетди.

Миссис Биксби поездда кутини бегона кўзлардан яширди. Кандай ёкимли - Полковникнинг совгаси. У кутига боғланган ипни ечишга киришди. - Кўйлак бўлса керак, - деди у ўзига ўзи. - Балки, иккита кўйлакдир. Хозир карамайман. Яхшиси, сийпалаб кўриб, нималигини билишга уриниб кўраман. Унинг ранги ва нархини ҳам аниқлашга уринаман.

У кўзини маҳкам юмди, кути копкогини очди ва кути ичидаги нарсани пайпаслади. Унинг қўлига шилдирок коғоз урилди. Кейин эса хатжилдни ушлади. Шилдирок коғоз остига аста қўлини тикди.

- Ё, Худойим! - хитоб килди у бирдан. - Бўлиши мумкин эмас!

У кўзларини катта-катта очиб, мўйна палтога тикилди ва шу захоти уни кутидан юлкиб олди. Мўйнани бор-бўйи билан кўрган миссис Биксбининг нафаси тикилиб колди.

Бундай мўйнани у умрида кўрмаганди. Нахотки, бу норка бўлса? Ха, шубхасиз. Ранги ҳам ажойиб! Коп-кора. Унга дастлаб шундай кўринганди, лекин ёругга тутганида у мўйнанинг кўкимтир тусда эканлигини кўрди. У мўйнанинг ёрлигига кўз югуртирди. Унда «лабрадор норкаси» деган ёзув бор эди, холос. Унинг каердан харид килингани, нархи йўк эди. Бу ҳақда, ўйлади миссис Биксби, Полковникнинг ўзи бош котирган бўлса керак. Қари тулки изини йўқотишга ҳаракат килган. Қойил. У неча пул тураркин? Ўйлашнинг ўзи дахшат. Тўрт, беш, олти минг доллар. Эҳтимол, ундан ҳам кимматроқдир.

У мўйнадан кўз узолмасди. Уни кийиб кўрмасликнинг ҳам иложи йўк эди. Хаяжондан зўрга нафас оларкан, у бир лахзада эгнидаги кизил палтосини ечиб ташлади. Мана буни палто деса бўлади!

Палто миссис Биксбига куйиб қўйгандек лойик келди. Мўъжиза! У кўзгуга каради. Бойлик, салобат, гўзаллик, нафосат - кўзгудаги аёлда буларнинг барча-барчаси мужассам эди. У ўзини қудратли хис этди. Бундай мўйнада истаган жойига бориши мумкин, ҳамма унинг атрофида гирдикапалак бўлади. Буни сўз билан ифодалаш кийин. Миссис Биксби кути ичидаги хатжилдни олиб очди ва унинг ичидан Полковникнинг мактубини олди:

«Бир пайтлар сен мўйна палтони ёктиришингни айтгандинг. Мархамат. Менга унинг жуда зўрлигини айтишди. Буни хайрлашув совгаси сифатида қабул кил. Ўта шахсий сабаблар оқибатида энди сен билан учраша олмайман. Хайр».

Ох!

Кандай дахшат!

Худди мусаффо осмонда момақалдирок гумбурлагандек бўлди.

Энди Полковникни ҳеч қачон кўрмайди. Кандай зарба. Уни жуда соғинади. Миссис

Биксби ўйга чўмганича мўйнани силай бошлади.

Каерда топиб, каерда йўқотишингни ҳеч қачон билмайсан, деганлари рост экан...  
У илжайди ва мактубни йиртиб ташлаш учун ўгирди, бироқ орқа томонда ҳам ёзув борлигига кўзи тушди.

«Ерингга буни холинг совга қилганлигини айтурсан».

Миссис Биксбининг табассумдан кенгайган лаблари худди резинадай йигилиб қолди.

- Жинними у! - қичқирди у. - Мод холам бунча пулни тушида ҳам кўрмаган. У бундай мўйна совга қила олмайди.

Лекин агар бу холасининг совгаси бўлмаса, унда қимники?

Е, Худо! Мўйнага эришганидан қувониб энг муҳим нарсани ёдидан чиқарибди.

Икки соатдан сўнг у Нью-Ёрқда бўлади. Яна ўн дақиқадан кейин эса уйига кириб боради.

Хаттоки, тиш ва қариесдан бошқа нарсани билмайдиган эри Сирил ҳам хотини агар эгнида олти минг долларлик палто билан кириб борса шубҳаланиши тайин.

«Менимча, - ўйлади у, - менимча, лаънати Полковник устимдан қулиш учун буни атай қилган. У Мод холамининг бундай мўйна сотиб олишга қурби етмаслигини билган. У буни қия олмаслигимни билган».

Лекин миссис Биксби бу мўйнадан ажралишини энди тасаввур қилолмасди.

- Бу мўйна меники бўлади! - деди у овозини чиқариб. - Меники бўлади! Бўлади!

Хўп, яхши, азизим. Бу мўйна сеники бўлади. Фақат жазавага тушма, ўтир, тинчлан ва ўйла. Сен ахир ақллисанку, шундайми? Сен уни ҳар доим алдаб қелгансан. Унинг ақли тиш оғригидан бошқа нарсага етмаслигини биласан. Шундай экан, ўтириб ўйла. Хали вақт бор.

Икки ярим соатдан сўнг миссис Биксби Пенсилвания шохбекатида поезддан тушди.

Унинг эгнида ўзининг эски қизил палтоси бўлиб, қўлида картон қути бор эди. У такси тўхтатди.

- Хайдовчи, - деди у, - яқин атрофдаги бирорта ломбард (гаровга қўйиш жойи-Т.)ни биласизми?

Таксичи қошини қимирди, ўгирилди ва унга ажабланиб қаради.

- Олтинчи авенюда бор, - жавоб қилди у.

- Унда ўша ёққа кетдик. - Миссис Биксби машинага чиқди.

Бир оздан кейин такси эшиги тепасида учта мис шар ўрнатилган ломбард олдида тўхтади.

- Шу ерда қутиб тулинг, илтимос, - деди миссис Биксби ва ломбардга кириб кетди.

Пештахта устида катта мушук тулука товоққа энгашиганича қалиқ ерди. У миссис Биксбига бир қараб қўйиб, овқатланишда давом этди. Миссис Биксби атрофга кўз югуртирди: соатлар, тақинчолар, эски дурбин, синик кўзойнак кўзга ташланди.

- Хўш, хизмат? - ичкаридан ломбард эгаси чиқди.

- Ҳа, хайрли оқшом, - деди миссис Биксби. У қутини оқа бошлади, ломбард эгаси мушукни силади.

- Буни қаранг, - деди миссис Биксби. - Қамқонимни тушириб қўйибман. Бугун шанба, қамма қанлар душанбагача ёқиб бўлади. Қенга эртақалиққа пул зарур эди. Бу жуда қиммат қалто, лекин қенга қўп пул қерак эмас. Душанбагача етса бўлди. Ўша қуни қелиб қалтони олиб қетаман.

Ломбард эгаси уни қимгина тинглади. Лекин миссис Биксби қалтони олиб, пештахтага ёйганида, унинг кўзлари қачқайиб кетди. У мўйнани қўлига олди.

- Агар соатим ёки узугим бўлганида, - деди миссис Биксби, - унда албатта мўйнани

бермаган бўлардим. Афсуски, шундан бошқа гаровга кўядиган нарсам йўк. - У гапининг исботи сифатида кўлларини чўзди.

- Янгига ўхшайди, - ломбард эгаси завк билан мўйнани силаркан.

- Албатта. Лекин, боя айтганимдек, менга душанбагача пул керак. Эллик доллар бера оласизми?

- Бераман.

- Бу юз баробар киммат туради, лекин унга ҳеч нарса бўлмайди, деб умид киламан.

Ломбард эгаси стол галадонидан гаров чиптасини олди ва пештахта устига кўйди.

- Исмингиз? - сўради у.

- Исминни ёзманг. Манзилимни хам.

Ручка чипта устида котиб колди.

- Исми ва манзилни ёзиш унчалик шарт эмасдир?

Ломбард эгаси елкасини кисди, бурнини тортиб кўйди.

- У холда чиптани йўқотиб кўйманг.

- Йўқотмайман.

- Бу чипта кўлида бўлган ҳар қандай одам келиб сизнинг буюмингизни талаб қилиши мумкинлигини биласизми?

- Ҳа, биламан

- Унда нима деб ёзай?

- Ҳеч нарса ёзманг. Бунинг хожати йўк. Фақат гаров пулини ёзсангиз бўлди.

- Бўпти, майли, - деди ломбард эгаси. - Хохишингиз.

Шу пайт миссис Биксбининг хаёлига ноҳуш фикр келиб колди.

- Хм, - деди у, - бир нарса. Чиптада ҳеч қандай ёзув йўк бўлса, бошқа буюмни эмас, мўйнамни қайтаришингизга ишонсам бўладими?

- Мен ҳамма нарсани рўйхатга киритаман.

- Лекин чиптада рақамдан бошқа нарса йўк-ку! Менга бирорта эски буюмни беришингиз мумкин.

- Ҳўп, нималигини ёзайми, йўқми? - сўради ломбард эгаси.

- Йўк, - деди у. - Сизга ишонаман.

Ломбард эгаси «нархи» деган ёзув тўғрисида «еллик доллар» деб ёзди ва чиптанинг иккинчи ярмини қирқиб пештахта устига кўйди. Сўнгра ички чўнтагидан ҳамёнини олиб, унинг ичидан эллик доллар пул олди.

- Ойига уч фоиз, - деди у.

- Яхши. Раҳмат. Уни яхши сакларсиз?

Ломбард эгаси жимгина бош ирғади.

Миссис Биксби ломбарддан чиқиб таксига ўтирди. Ўн дақиқадан сўнг у уйда бўлди.

- Азизим, - деди у эрига. - Мени согиндингми?

Сирил Биксби ўқиб ўтирган газетасини йигиштирди ва соатига кўз ташлади.

- Еттидан ўн икки дақиқа ўтди. Кеч қолиб кетмадингми?

- Ҳа, биламан. Поездни деб кеч колдим. Мод холам салом деб юборди. Ўлгудек чанкадим.

Мистер Биксби ўрнидан туриб ошхонага йўл олди. Хотини хона ўртасида турганича кўлқопини ечаркан, эрининг имиллаб юришидан гаши келди.

Полковник билан учрашувидан сўнг эри унга жинкарчадек туюлди.

Полковник гавдали ва тўла эди ҳамда ундан хушбўй атир иси келиб турарди. Эри эса кичкинагина, озгин ва кўримсиз бўлиб, ундан доим озгига солиб юрадиган ялпизли канд

исидан бошка хид келмасди.

Йўк, у ўзига карамаса бўлмайди, ўйлади у. Унинг костюми одамнинг кулгисини кистатади. Бир пайтлар костюми унга чиройли туюларди, энди эса жуда бемаънидек кўринди. Шими ҳам шунака. Бунака шим кийиш учун ташки кўриниш бошкача бўлиш керак, Сирилникидака эмас. У худди карикатура суратлардаги одамларга ўхшайди. Эри унга думида бор-йўги учта пати колган, ўша патларини кенг ёзиб ўзини кўрсатаётган қари товусни эслатарди.

- Рахмат, азизим, - деди у эри узатган мартинини олиб, диванга ўтираркан. - Кеча кечкурун нима иш қилдинг?

- Ишхонада тиш пломбаси тайёрладим. Яна ҳисоб-китоб коғозларини тўғриладим.

- Сирил, бу ишни аллақачон бошка одамга топширишинг керак эди. Сенга бу ярашмайди. Пломбани техник қилса бўлмайдимиз?

- Уларни ўзим қилишни маъқул кўраман. Пломбалар - менинг фаҳрим.

- Биламан, азизим, уни зўр тайёрлашингга шубҳа қилмайман. Дунёда энг зўр пломбаларни сен тайёрлайсан. Анави мисс Палтни ҳисоб-китоб ишларини юритса бўлмайдимиз? Бу ахир унинг иши-ку!

- Унинг иши. Лекин нархни мен белгилашим керак. У мижозларимнинг молиявий ахволини билмайди.

- Мартини зўр бўлибди, - деди миссис Биксби стаканни стол устига қўяркан. - Жуда зўр. У сумкани очди ва бурнини кокмокчидек ундан дастрўмолини чиқарди.

- Э, - деди у чиптани кўраркан. - Бутунлай эсимдан чиқибди! Мана буни таксида ўтирганимда топиб олдим. Уни лотерея деб ўйлаб олиб қўяқолдим.

У эрига чиптани узатди, эри уни қўлига аста олиб, худди тишни кўраётгандек ҳар томондан назар солди.

- Бунинг нималигини биласанми? - деди у чўзиб.

- Йўк, азизим, билмайман.

- Бу гаров чиптаси.

- Нима?

- Ломбард чиптаси. Мана номи ва манзили: Олтинчи авенюда экан.

- Шу ҳолосми? Мен бўлсам, уни лотерея деб ўйлабман.

- Хафсаланг пир бўлмасин, - деди Сирил Биксби. - Менимча, бу жуда қизик.

- Бунинг нимаси қизик, азизим?

У гаров чиптаси нима эканлигини батафсил тушунтиришга киришди ва бу чипта қўлида бўлган ҳар қандай киши гаровга қўйилган буюмни талаб қила олиши мумкинлигига ургу берди. Миссис Биксби унинг маърузасини сабр билан тинглади.

- Уриниб кўриш керак, деб ўйлайсанми?

- Менимча, имкониятни қўлдан чиқармаслик керак. Кўряпсанми, бу ерда эллик доллар, деб ёзиб қўйилган. Биласанми, бу нима дегани?

- Йўк, жоним. Нима дегани?

- Бу буюмнинг қимматбаҳо эканлигини билдиради.

- Эллик доллар демокчимисан?

- Йўк, беш юз доллардан ҳам қиммат.

- Беш юз?

- Ха. Қара, бунда буюм эгасининг исми ҳам, манзили ҳам йўк...

- Нахотки?

- Ха. Қўпчилик ломбардга борганини билдирмаслик учун шундай қилади.

- Демак, бу буюмни олишимиз мумкин экан-да?
  - Албатта. Бу чипта энди бизники.
  - Меники, - деди миссис Биксби катъий тарзда. - Уни мен топдим.
  - Жоним, нима фарки бор? Асосийси, энди бор-йўги эллик долларга кимматбахо буюмни олишимиз мумкин. Қалай?
  - Зўр! - хитоб килди миссис Биксби. - Унинг нималигини билмаслик айникса жуда кизик.
  - Узук ёки соат бўлса керак.
  - Ехтимол, қадимий гулдон ёки хайкалчадир.
  - Фол очишга хожат йўк. Ўша ерга бориш керак.
  - Тўгри! Чиптани бер Душанба куни ўша ерга бориб, унинг нималигини биламан.
  - Яхшиси, ўзим бораман.
  - Йўк, - кичкирди хотини. - Мен бораман!
  - Бахслашма. Ишга кетаётиб ломбардга кириб ўтаман.
  - Бу ахир менинг чиптам! Илтимос, Сирил, менга бер!
  - Сен бу судхўрларнинг канакалигини билмайсан, азизим. Сени алдаш жуда осон.
  - Мени алдай олишмайди! Илтимос, уни менга бер.
  - Бунинг устига, эллик доллар пулинг бўлиши керак, - деди эри илжайиб. - Накд пул бермасанг, ололмайсан.
  - Пулим бор, - деди у.
  - Барибир ўзим бормокчиман.
  - Лекин, Сирил, уни мен топдим. У меники.
  - Албатта сеники, азизам. Намунча асабийлашасан?
  - Асабийлашаётганим йўк.
  - У эркаклар буюми бўлиши мумкинлиги аклингга келмаяпти шекилли? Ломбардга факат аёлларгина боришмайди.
  - У холда бу менинг сенга совгам бўлади, - деди миссис Биксби. - Факат хурсанд бўламан. Лекин агар аёллар буюми бўлса, мен оламан. Келишдикми?
  - Бўпти. Кел, унда иккаламиз борамиз?
- Миссис Биксби эндигина «хўп», дейиш учун огиз очмокчи эди, вақтида ўзини тўхтатиб қолди. Ломбард хўжайини у билан эрининг олдида эски танишлардек сўрашиши яхшиликка олиб келмасди.
- Йўк, - деди у. - Боргим келмай қолди. Ундан кўра, уйда кутиб ўтираман. У икковимиздан биримизга керакли буюм бўлади, деб умид қиламан.
  - Энди ўзингга келдинг, - деди мистер Биксби. - Агар эллик доллар сарфлашга арзимайдиган буюм бўлса олмайман.
  - Ахир ўзинг у кимматбахо буюм, деб айтдинг-ку.
  - Шундай эканлигига шубхам йўк. Қўркма.
  - О, Сирил, сабрим чидамаяпти.
- Нихоят, душанба ҳам келди ва нонуштадан сўнг миссис Биксби эрини кузатиб қолди.
- Қўп ишлама, - деди у.
  - Бўпти.
  - Уйга олтида келасанми?
  - Харакат қиламан.
  - Ломбардга киришга улгурасанми?
  - Ие, эсимдан чикай дебди! Бўпти, таксида бораман. Йўлим экан.
  - Чиптани йўкотиб қўймадингми?

- Йўк, - деди эри камзули чўнтагини пайпасларкан. - Мана.
- Пулинг етадими?
- Этади.
- Жоним, - деди у эрининг шусиз хам тўгри турган бўйинбогини тўгриларкан. - Агар менга ёкадиган бирор нарса бўлса, уйга кўнгирок киларсан?
- Майли.
- Бир соатдан сўнг телефон жиринглаганида миссис Биксби учиб бориб гўшакни кўтарди.
- Иш битди! - деди мистер Биксби.
- Шунаками? Нима экан, Сирил? Яхши нарсами?
- Яхши?! - хитоб килди эри. - Зўр! Кўрсанг, аклдан озасан!
- Жоним, нима экан? Айтакол!
- Омадинг келди.
- Демак, менбоп нарса экан-да?
- Албатта. Хайронман, кандай килиб шундай нарсани эллик доллар учун гаровга кўйишган экан? Аклдан озган одам, шекилли.
- Сирил! Сабр косамни тўлдирма! Ортик чидолмайман!
- Кўрсанг аклдан озасан.
- Нима экан?
- Ўзинг топ-чи.
- Миссис Биксби жим бўлиб колди: «Ехтиёт бўл, - деди у ўзига ўзи. - Жудаям эхтиёт бўл».
- Маржон, - деди у.
- Йўк.
- Бриллиант узук.
- Йўк. Сал учини чиқараман. У кишда керак бўлади.
- Кишда нима керак бўлади? Бирорта калпокми?
- Йўк, калпок эмас, - деди эри кулиб.
- Худо хакки, Сирил! Нимага айтмаяпсан?
- Чунки сенга сюрприз килмокчиман. Кечкурун оласан.
- Хеч кандай сюрприз керакмас! - портлади у. - хозирок олдингга бораман!
- Менимча, кераги йўк.
- Бу нимаси, азизим? Нега?
- Чунки жуда бандман. Вактимни оласан. Шусиз хам ишим чўзилиб кетди.
- Унда тушлик пайтида борайин, хўпми?
- Мен тушлик килмайман. Майли, бир яримда кел. Бўпти.
- Соат роппа-роса бир яримда Миссис Биксби эрининг ишхонасига келди. Ок халат кийган эри уни кутиб олди.
- О, Сирил! Хаяжонланиб кетяпман!
- Ўзингни бос. Аммо-лекин, омадинг бор экан!
- У хотинини жаррохлик хонасига бошлади.
- Тушликка бораверинг, мисс Палтни, - деди у ёрдамчисига. - Ишингизни келиб давом эттирасиз.
- У кизнинг чиқиб кетишини кутиб турди, кийимлари турадиган шкаф олдига келди ва кўрсаткич бармогини чўзди.
- У бу ерда, - деди у. - Энди эса кўзингни юм.
- Миссис Биксби кўзларини юмди. У чуқур нафас олди ва эри шкафни очиб, унинг ичидан нимадир олганини эшитди.

- Бўлди! Карашинг мумкин!

- Ох, кўриб кетяпман, - деди у куларкан.

- Кара.

У хиринглаб, бир кўзини очиб, кўлида ниманидир баланд кўтариб турган эрини кўрди.

- Норка! - кичкирди эри. - Хакикий норка! Мана шу сўзлар баробарида миссис Биксбининг кўзлари катта-катта очилди ва у мўйна палтони кучиш учун олдинга ташланди.

Лекин ҳеч қандай палто йўқ эди. Эрининг кўлида унинг ўрнида сарик рангли мўйна ёқа турарди.

- Мана, ол, - деди эри уни силкитиб.

Миссис Биксби огзини қафти билан ёпди ва секин чайкала бошлади. «Хозир чинкириб юбораман, - ўйлади у. - Йўқ. Хозир чинкириб юбораман».

- Нима гап, азизам? Ёкмадими? - Эри ёкани силкитишни бас қилиб, унинг тилга киришини кутди.

- Йўқ... нимага... - деди миссис Биксби. - Мен... мен... менимча... жудаям чиройли.

- Кувончдан бошинг айланяпти, шекилли?

- Ха, албатта.

- Олий нав, - деди эри. - Ранги ҳам зўр. Биласанми, нима? Менимча, у камида икки-уч юз доллар туради.

- Ха.

Бу бошлари ва панжалари осилиб турган иккита норка териси эди.

- Кани, - деди эри, - кўрайлик-чи. У якинлашиб, ёкани хотинининг бўйнига ташлади ва ортига тисарилди. - Койил. Сенга жуда ярашди. Хар қандай аёлда ҳам бундай нарса йўқ, азизам.

- Ха.

- Буни тақиб дўконга борма. Сени пулдор деб ўйлаб, нархни қиммат айтишлари мумкин.

- Буни ёдимда саклайман, Сирил.

- Айтганча, Рождествога бошқа совгадан умид қилмай кўякол. Усиз ҳам, эллик доллар сарфладим.

У кўлини ювиш учун ўгирилди.

- Энди эса, азизам, боракол. Сени кузатиб кўярдим-у, қабулхонада қария Гормен ўтирибди.

Миссис Биксби эшик томон қадам ташлади. «Бу судхўрни ўлдираман, - ўйларди у. - хозирок ломбардга бориб, мана бу лаънати ёкани унинг юзига улоктираман. Менга палтомни қайтариб бермай кўрсин. Мана шу кўлларим билан бўғиб ўлдираман!».

- Сенга кечроқ боришимни айтдимми? - сўради Сирил Биксби кўлини юваркан.

- Йўқ.

- Саккиз яримларда бораман. Ёки тўққизда.

- Бўпти, - миссис Биксби эшикни тараклатиб ёпиб чиқиб кетди.

Айни шу лахзада мисс Палтни, эрининг ёрдамчиси тушликка чиқиб кетаётганди.

- Бугун ажойиб кун бўляпти, а? - деди у жилмайиб.

Унинг қадам ташлашида гаройиб енгиллик бор эди ва у Полковник миссис Биксбига совга қилган норка палтода худди кироличалардек кўринарди.

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси



